

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЮМОВА КАМОЛА НАСИРОВНА

**ПРЕДИКАТИВЛИКНИНГ СИНТАКТИК-СЕМАНТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**(халқаро ҳуқуқ ҳужжатлари инглиз, ўзбек
ва рус тиллари материаллари қиёсий таҳлили асосида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик ихтисослиги**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological science**

Каюмова Камола Насировна

Предикативликнинг синтактик-семантик хусусиятлари
(халқаро ҳуқуқ ҳужжатлари инглиз, ўзбек ва рус тиллари
материаллари қиёсий таҳлили асосида) 3

Каюмова Камола Насировна

Синтаксико-семантические особенности предикативности
(на основе сравнительного анализа материалов международных
правовых документов на английском, узбекском и русском языках) 21

Kayumova Kamola Nasirovna

Syntactic semantic peculiarities of predicativity
(based on a comparative analysis of materials of international
legal documents in English, Uzbek and Russian) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЮМОВА КАМОЛА НАСИРОВНА

**ПРЕДИКАТИВЛИКНИНГ СИНТАКТИК-СЕМАНТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**(халқаро ҳуқуқ ҳужжатлари инглиз, ўзбек
ва рус тиллари материаллари қиёсий таҳлили асосида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик ихтисослиги**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil.861 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасининг www.nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сиддикова Ирода Абдузухуровна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулова Махфуза Инамовна
филология фанлари доктори, профессор

Менглиев Бахтиёр Раджабович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги Dsc.26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Фаробий кўчаси, 400 уй. Тел: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871) 246-65-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети, 1-кават, 112-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф. ф.д., профессор

Ш.О.Назирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол. ф.н., доцент

А.Э. Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, филол. ф.д., профессор

КИРИШ(Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида турли тиллар ўртасидаги алоқаларнинг лингвокультурологик, этнолингвистик, психоллингвистик, прагматлингвистик хусусиятларини ёритиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омилларни белгилашни кун тартибига қўймоқда. Маълумотларга кўра, «турли халқларнинг хулқ-атвори ва ўзаро муносабатининг универсал ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш заруриятида жойлашган маданий қадриятларни тўғри англаш муҳимлиги ошиб бормоқда»¹. Шу боис, инсон ҳуқуқлари соҳасида мамлакатлараро халқаро мажбуриятларни бажариш, давлат ва нодавлат тузилмалар ҳаракатларини мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, соҳада халқаро ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни кучайтириш заруратга айланди.

Дунё тилшунослик йўналишлари бугунги кунда тил ҳодисалари, хусусан, предикативликни қиёсий-типологик, тизимли, тил ҳодисаларини инсон омили билан боғлаб ўрганиш тамойили бўлган антропоцентризм парадигмаси ҳамда инсон томонидан тил тизими ва ушбу тизимни ҳаракатга келтирувчи омилларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш каби масалалар билан шуғулланувчи когнитив грамматика асосида ўрганишга жиддий эътибор қаратмоқда. Предикативликнинг синтактик-семантик хусусиятларини бир нечта тил матнларида қиёслаш масалаларини, тилларнинг контрастив тадқиқида назарий қонуниятларни белгилашни ўрганишга дунёнинг етакчи университетларида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, турли тиллардаги халқаро ҳужжатлар матнида предикативликнинг синтактик-семантик хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш ва унинг усулларини қўллаш натижасида янги илмий хулосалар чиқаришга имконият яратади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маданий ислохотлар, Ўзбекистон Республикасининг фаол ташқи сиёсати, дунё мамлакатлари билан ҳар тарафлама алоқаларнинг янада мустаҳкамланиши ўзбек тилининг бошқа тиллар билан ўзаро алоқалари кенг қамровли бўлишига олиб келмоқда. Шунингдек, чет тилларни ўрганиш тизимига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги мазкур йўналишда чуқур фундаментал тадқиқотларни амалга оширишга туртки бўлмоқда. Бугунги кунда «...илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»² масалаларининг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши миллий қонунчилик ижодкорлиги билан боғлиқ фаолиятни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш амалиёти миллий юридик тилимиз шаклланиши, уни янада бойиши заруриятини келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг асл матнларидаги

¹ Карасик В.И. О категориях лингвокультурологии // Языковая личность: проблемы коммуникативной деятельности: Сб. науч. тр. – Волгоград: «Перемена», 2001. – С. 10

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси /prezident.uz/uz/lists/view/137. 2018 йил, 28 декабрь.

юридик атамалар, юридик тил услуги ҳамда ўзига хос юридик предикативликни ифодалашнинг лингвокогнитив хусусиятлари таржима тилларида айнан асл матндагидек ўзининг функционал-семантик ифодасини топгани, шунингдек, ҳар бир миллий қонун лойиҳасини лингвистик экспертизадан ўтказиш, ҳуқуқий маданиятимиз савиясини халқаро ҳуқуқий маданият андозалари даражасига кўтариш, ҳуқуқий тил маданиятига оид лингвокогнитив воситаларни ишлаб чиқиш, шу билан бирга, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш ёки уларни ратификация қилишдан олдин лингвистик экспертизадан ўтказишнинг самарали механизмини яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сонли Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамият ижтимоий соҳасининг вужудга келиши, тарихий жараённинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий омиллари, шунингдек, ўзаро муносабатларга киришувчи мулоқот тилшуносликнинг ўзига хос тизими сифатида намоён бўлиши доимо ўрганиб келинган. Хусусан, хориж университетлари (Lancaster University Great Britain, Harvard University) предикативликни қиёсий-типологик, (Massachusetts Institute of Technology) тизимли, (University of California at Los Angeles) предикативликнинг синтактик-семантик хусусиятларини қиёслаш масалаларини ўрганишмоқда. Жумладан, хорижлик олимлар тадқиқотида синтактик типология ва контрастив грамматика масалалари Е.Бах, Деззо Лассло, тилшунослик назарияси ва тизимли лингвистика Е. Лакофф, Ч. Филмор, З. Харрис, Ч. Хоккит, синтаксис ва грамматик тизим А.Кардсиналетти, Р.Жекобс, Б.Лииз, Ж. Макколи, М. Суон, М.Тереза Гуасти, Ф. Розенбаум ва бошқалар тадқиқотларида етарлича ишлаб чиқилган.

МДХ мамлакатлари олимларидан И.Бодуэн де Куртенэ ва унинг шогирдлари Л.Бархударов, В.Бурлакова, В.Виноградов, И.Гальперин, В.Звегинцев, Г.Вейхман, И.Кобозева, Ю.Левицкий, А.Мухин, А.Потебня, Л.Щерба тадқиқотларида гапнинг синтактик тузилиши ва семантик маънолари ёритилган.

Мамлакатимиз тилшунос олимлари ҳам тилшуносликнинг ўзига хос тузилиши, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини тадқиқ этишган. Жумладан, Ж.Бўронов, А.Абдуазизов, М.Джусупов, Т.Бушуй, А.Бердиалиев, Т.Ирисқулов, А.Содиқов, Ў.Юсупов, М.Умархўжаев, Ғ.Ҳошимовлар тилшуносликдаги типология ҳамда чоғиштирма тилшунослик назариясини ўз тадқиқотлари билан бойитганлар. Мазкур тадқиқотларда фаннинг турли соҳаларига оид махсус атамалар ва бадий адабиётлар матнидаги гап тузилиши ва грамматик жиҳатлари ўрганилган, аммо юридик атамаларнинг предикативлик асосида, унинг гап ёки матнларда фаоллашувининг синтактик-семантик хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаган.

Шу боис, инглиз тилшунослигида ҳам тилларнинг ўзаро алоқаларини, жумладан, предикативликни ўзбек ва рус тилларидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар материаллари билан қиёслаб тадқиқ этишда замонавий методологик тамойиллардан фойдаланиш, умумлаштириш, уларнинг лингвистик табиати ва тилдаги мақоми юзасидан аниқ назарий хулосалар чиқариш зарурати мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Турли тизимдаги тилларнинг лисоний ва типологик хусусиятлари» мавзудидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда предикативлик ифодаланишининг умумий ва фарқли томонларини аниқлаш, гапнинг синтактик тузилиши ва семантик боғланишларининг ўзаро муносабатлари хусусиятларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кесим ўрнида келадиган синтаксемаларнинг лексик базаларини ўрганиш ва лексик-семантик гуруҳларга ажратиш;

эга ва кесимнинг синтактик ва семантик хусусиятларини ўрганиш ҳамда улар асосида эга ва кесим ўрнида қўлланиладиган синтаксемаларни аниқлаш;

инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий нормалар акс этган матнлардан лингвистик тажриба асосида ядровий гапларни кичик бўлақларга ажратиб олиш ва улар ўртасидаги синтактик боғланишларни таҳлил қилиш;

синтаксемаларнинг дистрибутив хусусиятларини, яъни уларнинг бошқа синтаксемалар билан бирикишини, гапдаги ўрни ва ўриндошлик имкониятларини тадқиқ этиш;

кесимнинг синтактик ва семантик маънолари – синтактик боғланиши, лексик ва морфологик ифодаланиши ва уларнинг семантик маъноларини ўзаро бир-бири билан тизимли алоқа муносабатлари доирасида ўрганиш;

инглиз тилидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асл матни хусусиятларининг ўзбек ва рус тилларидаги матнлари билан таққослашдан иборат.

Тадқиқот объекти инглиз, рус ва ўзбек тилларида инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг матнларидаги предикативлик.

Тадқиқот предмети инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда предикативликнинг синтактик-семантик хусусиятлари.

Тадқиқот усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда қиёсий-типологик таҳлил, трансформация ва моделлаштириш, дифференциал-семантик, дистрибуцион-контрастив усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат тилига қилинган таржималарининг асли (инглиз тили)га нисбатан тўғри ёки тўғри эмаслигини баҳолашда синтаксемаларнинг лексик базаларини аниқлаш ва лексик семантик гуруҳларга ажратиш асосида лингвистик экспертиза ўтказиш муҳимлиги асосланган;

юридик матн тадқиқоти соҳасида гапнинг синтактик тузилиши ва семантик боғланишининг қиёсий тизимлилик жиҳатидан тўлдирилиши асосида эга ва кесим ўрнида қўлланиладиган синтаксемалар (позессив, квалификатив, субординатив ва идентификацион) аниқланган;

гап таркибидан гап бўлагини тушириб қолдириш тажрибаси ҳамда моделлаштириш методи орқали халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар матнидаги асл гапга қиёслашда гап тузилиши функционал-синтактик (предикатив, субординатив ва координатив) боғланишлардан иборатлиги исботланган;

кесимнинг синтактик ва семантик маънолари комплекс тарзда (синтактик боғланиш, лексик ва морфологик ифодаланиши, уларнинг семантик маънолари) ўзаро бир-бири билан тизимли алоқа муносабатлари доирасида ўрганилиб, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асл инглиз тили матни хусусиятларининг ўзбек ва рус тилларига нисбатан адекват берилиши гапнинг таркибий тузилишини акс эттирувчи юнкцион модель асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тилнинг халқаро ҳуқуқ соҳаси учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, шунингдек, тилшунослик назарияси, типология, қиёсий тилшунослик, таржима назарияси каби фанлар бўйича олий ўқув юртларининг таржимонлик факультетларида юридик тил соҳаси бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувиغا хизмат қилиши асосланган;

юридик тилни тизим сифатида ўрганиш, халқаро ҳужжатлар матнида тил бирликларининг чоғиштириш тадқиқи билан боғлиқ юридик фанлар ривожига амалий аҳамияти кўрсатиб берилган;

халқаро ҳуқуқий матнлар материаллари махсус таржима луғатларини тайёрлаш ҳамда синхрон таржима муаммоларини ҳал қилишда назарий манбалардан бири бўлиши асосланган;

тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг «Давлат тузилиши ва бошқарувининг Ҳуқуқий асослари» ва «Хорижий тиллар» кафедраларида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда бошқа университетларнинг юридик факультетларида халқаро ҳуқуқ бўйича махсус курслар ишлаб чиқишда асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши кўрсатилган;

халқаро ҳуқуқ соҳасига оид ҳужжатларни ўрганишда, уларни таржима қилишда, қонун лойиҳаларини лингвистик таҳрир ва экспертизадан ўтказиш соҳасида фойдаланишнинг назарий аҳамияти очиқ берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлил қилинган халқаро ҳуқуқий материалларнинг тизимли таҳлили, синтактик-семантик, дистрибуцион-контрастив усуллар билан асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон тилшунослигининг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти турли оилага мансуб тилларни тадқиқ қилиш орқали контрастив лингвистика илмий парадигмаси ўрнини белгилашдан иборат бўлиб, мазкур иш тилшунослик назарияси, умумий тилшунослик, типология, универсалиялар лингвистикаси, шунингдек, тилни тизимлилик сифатида ўрганиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни такомиллаштиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қиёсий тилшунослик назарияси, қиёсий таҳлил мезонларидан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда бошқа университетларнинг юридик факультетларида халқаро ҳужжатларни ўрганишда, уларни таржима қилишда, қонун ижодкорлиги соҳасида қонун лойиҳаларини лингвистик таҳрир ва экспертизадан ўтказиш соҳаларида кенг фойдаланишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, махсус фанлардан ўқув қўлланмалар, луғатлар яратишда, синхрон таржима билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Предикативликнинг синтактик-семантик хусусиятларини тадқиқ этиш асосида:

халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат тилига қилинган таржималарининг аслига нисбатан муқобил ёки муқобил эмаслигини баҳолашда синтаксемаларнинг лексик базаларини ўрганиш ва лексик семантик гуруҳларга ажратиб, лингвистик экспертиза ўтказиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг 2019 йил 8 апрелдаги 10/1-727-сонли маълумотномаси). Ушбу натижаларнинг қўлланилиши халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга қўшилиш ёки уларни ратификация қилишдан олдин лингвистик экспертизадан ўтказиш қондасини жорий этиб, халқаро ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқ ижодкорлиги механизмининг самарадорлигини оширишга хизмат қилди;

қиёсий чоғиштиришнинг айнан юридик матн тадқиқоти соҳасидаги гапнинг синтактик тузилиши ва семантик боғланиши даражасида қиёсий тизимлилик жиҳатидан тўлдирилиши асосида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг уч тилдаги матнидан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Халқаро ҳуқуқ», «Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи» ва «Халқаро бизнес

ҳуқуқи» магистратура мутахассисликларида фойдаланилган ва ўқув амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги 89-03-1339-сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни таржима тилида тайёрлашга оид билим ва тасаввурларини шакллантиришга эришилган;

гап таркибидан гап бўлагини тушириб қолдириш эксперименти ва моделлаштириш методини қўллаш хусусидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси «Ёшлар» телерадиоканалида бевосита эфирга узатиб келинаётган «Оқшомга қадар» дастурининг «Ёшлар меҳмонхонаси» саҳифаси сценарийсини ёзишда фойдаланилган ва интервьюлари билан иштирок этган («Ёшлар» телерадиоканалининг 2019 йил 30 апрелдаги 14-03-145-сонли маълумотномаси). Ушбу натижаларни қўллаш тил услуги ҳамда ўзига хос юридик предикативликни ифодалашнинг лингвокогнитив хусусиятлари таржима тилларида ҳам айнан асл матндагидек ўзининг функционал-синтактик боғланиш орқали ифодасини топгани каби долзарб вазифалар радиотингловчилар қизиқишларининг ортишига имкон берган ҳамда радиоэшиттириш учун тайёрланган материалларнинг мазмуни бойитилган.

гап кесимининг синтактик ва семантик маънолари комплекс тарзда ўзаро бир-бири билан тизимли алоқа муносабатлари доирасида ўрганилиши, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асл матни хусусиятларининг ўзбек ва рус тилларига нисбатан адекват берилиши юнқцион модель асосида очиб берилиши хусусидаги хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Корея Республикаси Ёнсе университети профессори (Корея Республикаси Персонални бошқариш собиқ вазири) Ким Пак Сук раҳбарлигида тайёрланган «Public Human Resource Management. At a Glance 2018» («Давлат бошқарувида инсон ресурслари 2018 йил нигоҳида») амалий қўлланмасининг «Хорижий фуқароларни давлат хизматида ишга олиш» деб номланган бобини таржима қилишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДБАнинг 2019 йил 26 июндаги 14/1056-сонли маълумотномаси ва Британия Кенгашининг 2019 йил 4 октябрдаги ОС-1664-сонли маълумотномаси). Натижада, халқаро ҳужжатлар таржимасида матнлардаги гапнинг синтактик тузилиши ва семантик маънолари жихатидан йўл қўйиладиган хатолар олдини олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 1 монография, 20 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, (3 таси республика, 2 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 147 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, нашр қилинган ишлар ҳамда тадқиқот тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги гап бўлақларини ўрганишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар – лингвистик илмий тадқиқот объекти сифатида, «халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар» тушунчаси, лингвистик нуқтаи назардан матндаги гап бўлақларини синтактик-семантик назария асосида ўрганиш ҳамда анъанавий тилшуносликда гап бўлақларига оид масалалар кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида Ўзбекистон халқи «халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда» инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш мақсади илгари сурилган.³ Шунга кўра, республикамиз биргина инсон ҳуқуқлари соҳасига доир 70 дан зиёд кўп томонлама халқаро шартномаларга қўшилган.⁴ Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, қўшилган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Бу, авваламбор, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ривожлантириш, ҳимоя этиш ва кафолатлаш бўйича ҳақиқий мақсадини билдиради. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича асосий ҳужжатларга қўшилиши билан халқаро ҳуқуқнинг асосий умумий эътироф этилган принциплари босқичма-босқич миллий ҳуқуқий тизимга имплементация қилиб борилмоқда.⁵ Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар имплементациясида БМТ халқаро ҳужжатлари бўйича ҳисоботлар механизми муҳим ўрин тутди. 2011 йил бошида Ўзбекистон Республикаси қўшилган БМТнинг асосий ҳужжатлари бўйича Ташкилотнинг тегишли кўмиталарида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид асосий ҳужжатлар бўйича миллий ҳисоботлар тақдим этилиб, кўриб чиқилган, жумладан,

«Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенция;

«Ирқий камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенция;

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция;

«Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция»,

«Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт;

«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пакт ҳужжатлари бўйича ҳисоботлар топширилган.

«Халқаро шартномалар тўғрисида»ги Вена Конвенциясига мувофиқ, халқаро конвенцияларга қўшилиш билан ҳар бир давлат уларнинг матнини

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т.: Адолат, 2018, 3-бет.

⁴ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам.-Т.: Адолат, 2004, 6-бет.

⁵ Саидов А. Х. Халқаро ҳуқуқ. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2001. - 317 б.;

Ўзининг давлат тилига таржима қилиш мажбуриятини олади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни 23-моддасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси матнларига асосан: «Агар шартноманинг ўзида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат тилида ва ахдлашувчи томоннинг (томонларнинг) тилида ёзилади», деб талаб қилинади.⁶ Айнан қонун ҳужжатларини ўз она тилига таржима қилиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини асл матндагидек етказиб бериш масаласи ўзбек тилшунослари олдидаги муҳим масала бўлиб, халқаро ҳуқуқий стандартларни Ўзбекистон миллий қонунчилигига имплементация қилиш жараёни барқарор, тизимли ва ортга қайтмас характер касб этмоқда.⁷

Қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладиган жараёнда ўтказиладиган қиёсий таҳлилни амалга ошириш тартиби тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтадиган бўлсак, қиёсий таҳлилни амалга ошириш чоғида қуйидаги ҳужжатлар ўрганилади: биринчиси, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари, Европа Иттифоқи, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳужжатлари; иккинчиси, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари; учинчиси, АҚШ, Канада, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Сингапур, Европа Иттифоқи мамлакатларининг, шу жумладан, Буюк Британия, Германия, Франция, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги айрим мамлакатларининг (Россия, Қозоғистон, Беларусь) қонун ҳужжатларидир.

Қиёсий таҳлил ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳасининг ҳар бир асосий қонунда бўйича ўтказилиши, биринчи навбатда, қўйилган вазифани аниқ англаб олиш ҳамда ўрганиладиган масалага оид ҳужжатларни тўплаш назарда тутилади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни қиёслаб таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги фарзларга ўз эътиборимизни қаратишимиз лозим:

қонунлар ёки юридик материалларни тайёрлаётганда, иложи борича, содда, аниқ, лўнда ва тушунарли тилда ёзиш лозим;

аҳамиятга эга бўлмаган ёрдамчи сўз туркумларидан воз кечиш (масалан, шунга ўхшаш, шунга мувофиқ, бўлишига қарамасдан, шу мақсадда, табиатан, шу сабабли, шу билан боғлиқ равишда, қонун нуқтаи назаридан, ва ҳоказо, ёки далил шундан иборатки, кўп ҳолларда, давомида, муддатида, масала шундан иборатки, тегишлигига қараб, қонунда белгиланганидек, қонунда назарда тутилганидек);

тилнинг энг йирик бирлиги бўлган матн синтактик ва семантик хусусиятларга эга. Матнни ташкил этувчи қисмлар орасидаги ўзаро боғланиш унинг синтактик хусусияти ва матн мазмуни бўлган семантикасини белгилаб беради. Бу хусусиятлар фақат матнга эмас, балки тилнинг яна бир бирлиги бўлган гапга ҳам хосдир. Гапнинг асосий ва иккинчи даражали бўлаклари

⁶ Абдумажидов А. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунига шарҳлар. – Т.: Адолат, 1999, 62 - бет.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида. ЎЗР Сенати. 2018 йил, 13 декабрь. (5,8-моддалар).

тўғрисидаги анъанавий назария, ундаги баҳсли ва қарама-қарши фараз ва қарашларнинг қисқача баёни таҳлил қилинади. Айни пайтда, гап бўлаклари терминида Россия Федерацияси Санкт-Петербург лингвистик мактабининг намояндаси А. М. Мухин томонидан асос солинган ва унинг издошлари томонидан ривожлантирилган синтактик назария, яъни гапнинг энг кичик, қайта бўлинмайдиган семантик бирликлар назарияси ва тадқиқот методологияси асосида ўрганиш мақсадга мувофиқлиги асослантирилади. Шунингдек, мазкур ишда қабул қилинган элементар синтактик бирликлар назариясининг асосий қоидалари келтирилади ва татбиқ қилинадиган лингвистик тадқиқот услублари белгилаб олинади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Инглиз, ўзбек ва рус тилларидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари гап бўлақларининг ўзаро боғланиши**» деб номланган. Мазкур бобда гап бўлаклари ўртасидаги синтактик, субординатив ва координатив боғланиш ҳамда гапнинг тобе ва уюшиқ бўлаклари, предикатив боғланиш ва кесим ўрнида ишлатиладиган процессуал синтаксемалар гапни моделлаштириш ва тизимлаштириш орқали ўрганилган.

Юридик матндаги гапларнинг лингвистик эксперимент асосида гапдаги синтактик алоқа (боғланиш) турлари, предикатив, тобе ва уюшиқ боғланишлар аниқланади, улар асосида эга ва кесим гапнинг асосий бўлаклари сифатида, тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол гапнинг иккинчи даражали бўлаклари, яъни тобе компонентлари сифатида талқин қилинади. Предикатив синтактик боғланиш ёрдамида гапнинг ядросини ташкил қилувчи гапнинг асосий бўлаклари, эга ва кесимдан иборат икки таркибли гаплар ишнинг тадқиқот объекти сифатида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар уч тилдаги матндан ажратиб олиниб, илмий тадқиқотнинг кейинги босқичи, яъни синтактик-семантик тадқиқот босқичининг объектига айлантирилади, яъни бу билан илмий ишнинг мантиқий чегараси инглиз, рус ва ўзбек тилларида белгилаб олинади.

Тил материалларини тадқиқ қилишнинг мақсадидан келиб чиқиб, турли хил лингвистик экспериментдан фойдаланиш мумкин. Жумладан, гап бўлагини ажратиш ва унинг синтактик мавқеини (ўрнини) аниқлаш мақсадида, одатда, гап бўлагини гап таркибидан тушириб қолдириш эксперименти қўлланилади, яъни ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда гапнинг фақат битта компоненти (ёки бирданига бир нечта компоненти) туширилади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 15-моддаси биринчи гапини инглиз, ўзбек ва рус тилларида кўриб чиқамиз:

Everyone has the right to a nationality. (A-15, UDHR)⁸

Таржимаси: *Каждый человек имеет право на гражданство.*

Ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга.

Мазкур гапларнинг ҳар бир бўлагини бир бошидан гап таркибидан алоҳида-алоҳида тушириб кўрамиз. Масалан, қиёслаймиз:

⁸ Universal Declaration of Human Right (UDHR). In: Human Rights and You. Compiled and Edited by Frederick Quinn. Published By OSCE/ODIHR, Warsaw, Poland. 1999. Всеобщая декларация прав человека В кн.: Права Человека и Ты. Составитель и редактор Фредерек Куинн. ОБСЕ/БДИПЧ Варшава, Польша. 1999. Международные конвенции по правам человека. Под редакций Саидова А.Х. – Тошкент: «Адолат» 2004 (на узбекском языке).

Гапнинг эгасини (*everyone, каждый человек, ҳуқуқига*) туширамиз:

... *has the right to a nationality;*

... *имеет право на гражданство;*

... *Ҳар бир инсон фуқаро бўлишэга;*

Мазкур экспериментдан олинган натижа грамматик жиҳатдан тўлиқсиз гапларни кўрсатмоқда. Демак, бунда гапнинг асосига путур етганини кўрамиз.

Энди гапнинг кесимини (*has, имеет, бор*) гаплар таркибидан туширамиз:

Everyone ... the right to a nationality;


Каждый человек право на гражданство;

Ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқи....

Бу эксперимент ҳам грамматик хато гапларни келтириб чиқарди. Демак, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнидаги гапларнинг таркибида эга ёки кесимнинг ифода этилмаслиги гапнинг конструктив таркибига путур етказиши мумкин экан. Шунинг учун бу эксперимент бадий адабиёт ёки оғзаки нутқда ишлатиладиган гаплардан фарқли ўларок, юридик матнларнинг ҳар бирида гапнинг асосий бўлаклари, эга ва кесимнинг ифода этилиши шартлигига асос ва исботдир. Шу билан бирга, предикатив синтактик боғланиш орқали инглиз ва рус тилларида гапнинг эгаси (*everyone, каждый человек, ҳуқуқи*) предикатланган синтактик бирлик билан, кесими (*has, имеет, бор*) эса предикатловчи бирлик билан бир-биридан фарқ қилувчи синтактик хусусиятга эга. Уларни бирлаштириб турувчи асосий синтактик бирлик – ядровий (асосийлик) белгиси бўлиб, мазкур синтактик белги ядровий предикатив боғланиш туфайли эга ва кесимни гапнинг конструктив ядроси, конструктив асоси сифатида синтактик аҳамиятга эга компонентлар (гап бўлаклари) эканлигини исботлайди.


Бу гапларнинг синтактик боғланишини тизим равишида тасаввур қилиш учун уларни юнкцион (*junctio* - лотинча «боғланиш», «связь») ва компонент моделларини тасвирлаймиз⁹:

1. *Everyone has the right to a nationality;*



Ю.М.1

Каждый человек имеет право на гражданство;



Ю.М.2

⁹ Юнкцион модель (қискача ЮМ) да \longleftrightarrow икки томонга йўналтирилган чизик ядровий предикатив боғланишни, \longrightarrow бир томонга йўналтирилган чизик субординатив (тобе) боғланишни, «V» учи туташтирилган синик чизиклар координатив (уюшиқ) боғланишни англатади.

Ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга.



Ю.М.3.

Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инглиз ва рус тилларидаги гапларнинг эгаси ва кесими бир хил сўзлар (*everyone has, каждый человек имеет*) билан ифодаланган бўлса, ўзбек тилидаги таржимада эга ўрнида бошқа сўз, яъни «ҳуқуқи(га)» сўзи, кесим ўрнида «бор», «эга» сўзи ишлатилган. Таржимада гапнинг асосини ташкил қилувчи гап бўлаклари – эга ва кесим ўртасидаги предикатив синтактик боғланиш инглиз ва рус тилидагидек бир томондан, гапнинг субъектлари *everyone* ёки *каждый человек* иккинчи томондан, гапнинг предикатлари (кесимлари) *has* ёки *имеет* каби ўзбек тилида «ҳар бир инсон (нинг)» билан «эга» сўзлари ўртасида эмас, балки «ҳуқуқи(га)» ва «эга» сўзлари ўртасида келиб, «ҳуқуқ»нинг мавжудлиги тўғрисидаги ҳукмни тасдиқламоқда.

Мазкур таҳлил қилинган гапнинг юнкцион ва компонент моделларини қиёслаганимизда уларнинг фарқи янада ёрқин намоён бўлади. Масалан:

1. Ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга.



Ю.М.3.

Аммо мазкур гапнинг асосий бўлаклари – эга ва кесим ва кесимга тобе бўлакнинг ҳар уч тилда бир хил ифода этилишини Декларациянинг 3-моддаси биринчи гапи мисолида ҳам кўрамиз, масалан:

1. (Article 3, UDHR)

Everyone has the right to life, liberty and security of person.

Каждый человек имеет право на жизнь, на свободу и на личную неприкосновенность.


Ҳар бир инсон яшаиш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир.

Инглиз, рус ва ўзбек тилларида келтирилган ҳар уч гапда ҳам гапларнинг асосини, ядросини ташкил қилувчи гап бўлаклари эга ва кесимҳамда уларнинг ифода воситалари бўлган сўз шакллари ва улар ўртасидаги предикатив синтактик боғланиш гапнинг субъектлари (эгалари) *everyone, каждый человек, ҳар бир инсон*, иккинчи томондан, гапнинг предикатлари (кесимлари) *has, имеет, эгадир* сўз шакллари билан ифодаланган бўлиб, уларда предикативлик бир хил синтактик категориялар, яъни феълларнинг аниқлик майли, ҳозирги замон ва учинчи шахс бирлик шакллари орқали ифодаланиб, фаоллашмоқда.

Мазкур гапларнинг ядровий компонентлари ва улар ўртасидаги предикатив синтактик боғланишни юнкцион моделда ва ядровий


компонентларнинг бириклари белгили моделларини куйидаги уч юнкцион модель (Ю.М) чизмасида акс эттирамиз:

Everyone has the right to life, liberty and security of person.




Ю.М.4

Каждый человек имеет право на жизнь, на свободу и на личную неприкосновенность.



Ю.М.5

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир.



Ю.М. 6

Бизнинг тадқиқотимиз объекти бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда предикативликни ўзида ифодалаб келган гап кесими халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг инглиз тилидаги матнларида фақат феъл шаклларида ташқари, инфинитив шаклидаги модал феъллар билан, боғловчи феълларнинг от, сифат, предлогли бирикмалар билан ифодаланишини кузатишимиз мумкин. Масалан, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларининг инглиз тилидаги матнида кесим куйидаги сўз бирикмалари билан ҳам ифодаланади:

1. Инфинитив ва **shall** модал феълнинг фаол нисбат шаклидаги сўз бирикмаси билан:

States Parties shall take all appropriate measures... (Article 5, CEDAW)¹⁰

2. Инфинитив ва **may** модал феълнинг фаол нисбат шаклидаги сўз бирикмаси билан:

Reports may indicate factors and difficulties affecting the degree of fulfillment of obligations under the present Covenant ... (Article 17, ICESCR)¹¹

¹⁰ CEDAW In: Human Rights and You. Compiled and Edited by Frederick Quinn. Published By OSCE/ODIHR, Warsaw, Poland, 1999.

¹¹ ICESCR In: Human Rights and You. Compiled and Edited by Frederick Quinn. Published By OSCE/ODIHR, Warsaw, Poland, 1999.

3. Инфинитив ва **shall** модал феълининг мажхул нисбат шаклидаги бирикмаси билан:

No one shall be held in slavery (Article 4, UDHR)

4. Инфинитив ва **may** модал феълининг мажхул нисбат шаклидаги бирикмаси билан:

Nothing in this Declaration may be interpreted as implying for any State ... (Article 30, UDHR)

5. От ва **to be** боғловчи феълининг бирикмаси билан:

The family is the natural and fundamental group unit of society ... (Article 16.3, UNHR)

6. Сифат ва **to be** боғловчи феълининг бирикмаси билан:

The present Covenant is open for signature by any State Member of the United Nations ... (Article 26, ICESCR;

All are equal before the law ... (Article 7, UDHR)

7. Сифат ва **shall** модал феъли ва боғловчи феъл **be** бирикмаси билан:

Elementary education shall be compulsory ... (Article 26.1, UDHR)

Юқорида келтирилган гаплар таркибидаги ядровий предикатив боғланиш асосида гапнинг конструктив асосини куриш ҳамда предикативлик категориясини ўзида ташувчи компонент сифатида, гап маъносининг воқелик билан боғлаб, уни фаоллаштирадиган ядровий предикатловчи компонент сифатида кесим конструктивлик ва предикативлик аҳамиятга эга. Демак, юқорида таҳлил қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг асл тили (инглиз тили) матнидаги гаплар кесимининг ифода воситалари турли-туман эканлигидан далолат бермоқда.

